

Биз бу оятни бир кунда камида 32 марта ўқиймиз



13:20 / 24.12.2021 2270

Биз ҳар куни камида 32 марта ўқийдиган сура бор. Бу Фотиҳа сураси. Ушбу улӯф сурада бир оят бор. Бу $\text{طَّرَّصْ لِي اِنْ دُوَّه}$ оятидир.

Тўғри йўл сўрашнинг мана бундай кўринишлари бор: бири $\text{طَّرَّصْ لِي اِنْ دُوَّه}$ (ихдинаа илас сирот) ва кейингиси $\text{طَّرَّصْ لِي اِنْ دُوَّه}$ (ихдинаас сирот).

Биринчи кўринишнинг, яъни $\text{طَّرَّصْ لِي اِنْ دُوَّه}$ (ихдинаа илас сирот) жумласининг маъноси шуки, биз Аллоҳ таолодан тўғри йўлни кўрсатишини сўраётган бўламиз.

Валиллаҳил масалул аъла. (Энг олий сифат Аллоҳникидир)

Тушунарли бўлиши учун бир мисол келтирайлик. Бизга йўл кўрсатаётган киши мана бу кўринишларда гапиради: $\text{قِيْرَطُ كِتِيْدَه}$ (ҳадайтукa торийқ) ва $\text{قِيْرَطُ لِي اِنْ دُوَّه}$ (ҳадайтукa ила торийқ).

Бирор жойга бормоқчи бўлсак, учраган одамдан “Фалон жойга қандай борилади? Йўлни тушунтириб юборинг” деб сўраганимизда, у одам “Тўғрига юрасиз, сўнг у ердан ўнгга буриласиз. Сиз сўраётган уй ёки киши ўша ерда” дейди-да, кетади. Бизнинг ўша манзилга етиб борган-бормаганимизни у одам билмайди. Бу ҳолатда бизга йўл кўрсатган одам **قيرط يلا كتيده** (ҳадайтунга ила торийқ) “Сизга тўғри йўлни кўрсатдим” деган жумлани ишлатади.

Агар ўша одамдан “Ака, кўзлаган манзилимга етиб олгунимча ёнимда бўлинг, менга йўл кўрсатиб, мендан узоқлашманг” деб сўрасак, у одам биз манзилимизга етиб боргунимизча ёнимизда бўлиб, йўлни кўрсатиб борса, бу ҳолатда **قيرط كتيده** (ҳадайтунга торийқ) “Тўғри йўлга сизни етаклаб бордим” деган жумлани ишлатади.

Шундай қилиб, иккинчи кўринишни ишлатганимизда, яъни **انده طرصل** (ихдинас сирот) деганимизда, биз Аллоҳ таолодан тўғри йўлга йўллашни сўраш билан бирга янада улуг нарсани сўраётган бўламиз. Яъни “Эй Аллоҳ, бизни тўғри йўлга йўллагин, шу йўлда собит қилгин ва манзилга (Жаннатга) етиб боргунимизча қўлимизни қўйиб юбормагин” деб айтаётган бўламиз.

Қаранг, биз Фотиҳа сурасини тиловат қилиб, ундаги **ميقوتسумل طرصل انده** оятини ўқиганимизда, Аллоҳ таолодан Унинг жамолига, жаннатига олиб борадиган энг қисқа ва энг яқин йўлни сўраётган ва бу йўлда У Зот бизнинг ёнимизда бўлишини, қўлимизни қўйиб юбормаслигини сўраб, илтижо ила дуо қилаётган бўламиз. Қандай улуг дуо!

Зеро, биз ожиз инсонмиз. Агар Роббимиз бизни тўғри йўлда собит қилмаса, қўлимиздан тутиб турмаса, ўзимиз адашиб, бошқа йўлларга кетиб қолсак, аҳволимиз ёмон бўлади.

Қуръони Каримда **طرصل** калимаси фақат бирлик кўринишида келган. Чунки, Аллоҳ таолонинг йўли биттадир ва йўл ўзгармайди ҳам, бошқа йўлга алмашмайди ҳам. Аммо шайтоннинг йўллари кўп, адашишнинг турлари бисёр. Шунинг учун “шайтоннинг йўллари, излари” маъносини ифода этувчи **تأوطخ** жумласидаги **نأطيشلا** калимаси кўпликда келган. Чунки шайтон инсонга турли томонлардан келиб васваса қилади. Намози тарафдан, аёли, бойлиги, боласи ва ҳоказо тарафлардан келиб васваса қилади. Шайтон инсонни турли гуноҳларга, яъни жиноят йўлларига васваса қилади. Шунинг учун “йўллари” маъносини ифода этувчи **تأوطخ** (хутуваат) калимаси кўпликда келган. Аллоҳ таолонинг

жаннатига, жамолига олиб борадиган йўл эса битта – Ислом, Қуръон йўлидир!

Бир кунда беш вақт намоз ўқиган киши 17 ракат фарз, 12 ракат суннат, 3 ракат витр, жами 32 ракат намоз ўқиган бўлади. Демак, кун давомида 5 вақт намозини адо этадиган мусулмон 32 марта Фотиҳа сурасини ва ундаги мазкур оятни тиловат қилади ва Аллоҳ таолодан жаннатга етиб боргунича, Унинг жамолига эришгунича ёнида бўлишини, қўлини қўйиб юбормаслигини 32 марта сўраган бўлади. Энди қўшимча нафл ибодатлар қиладиган азизларимиз Фотиҳа сурасини янада кўпроқ ўқиганлари учун мазкур оятни ҳам кўп тиловат қилган ва Аллоҳ таолога кўпроқ дуо қилган бўладилар.

Аллоҳ таоло барчамизни Исломда, иймонда собитқадам қилсин, ҳақда собит айласин, ҳидоятдан айирмасин, жаннатига, жамолига эришишимизни насиб этсин! Шайтоннинг иғволаридан, васвасаларидан Ўзи паноҳида асрасин!

Интернет маълумотлари асосида Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади